

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИКУЛОВ ШЕРЗОД БОЗОРОВИЧ**

**ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРНИНГ ТУТГАН  
ЎРНИ**

**07.00.01– Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Холикулов Шерзод Бозорович**

XIX аср охири XX аср бошида Туркистон ўлкаси бошқарув тизимида  
нотариал идораларнинг тугган ўрни ..... 3

**Холикулов Шерзод Бозорович**

Роль нотариальных контор в управленческой системе Туркестанского края в  
конце XIX - начале XX вв. .... 23

**Kholikulov Sherzod Bozorovich**

The role of notarial offices in the governance system of Turkestan in the late XIX  
century and early XX century. .... 43

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works ..... 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИКУЛОВ ШЕРЗОД БОЗОРОВИЧ**

**ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРНИНГ ТУТГАН  
ЎРНИ**

**07.00.01– Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tar959 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Бахтияр Эргашевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Уроков Дилшод Жамолиддинович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Маматов Худоёр Тешаевич**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши Давлат университети**

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Tar.02.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» сентябр соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz)).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (74 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» август кунда тарқатилди.  
(2022 йил «25» 08 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



**М.М.Исҳоқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**О.Ж.Ирискулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

**И.М.Саидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган бугунги глобал ўзгаришлар жараёнида ҳуқуқий демократик тамойилларни ҳаётга тадбиқ этилишида нотариал идораларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Зеро, нотариал идоралар жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тизимини тартибга солишда фуқаролик институтининг асосий бўғинларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳуқуқий-тарихий ҳодисани мустамлакачилик даврида босиб олинган ҳудудларнинг метрополия бошқарув тизими ва маҳаллий халқларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатларни ўзида акс эттирганлигида ҳам кўриш мумкин. Шу маънода асрлар давомида шаклланган нотариал идораларнинг ўтмиши ва замонавий кўринишини аниқлаш ҳамда унинг бугунги кундаги жамият ҳаётига дахлдор ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги конструктив аҳамиятини асослаш тобора долзарблик касб этмоқда.

Дунё илм-фанида қатор илмий тадқиқот марказларида нотариал институтларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳолатини тарихий нуқтаи-назардан тадқиқ этиш, нотариал идораларнинг бугунги кундаги ҳуқуқий ҳолати борасида ҳамда уларнинг ҳамкорлик доирасини янада кенгайтиришга йўналтирилган илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, нотариал идоралар фаолиятининг йўлга қўйилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатлари, нотариал идораларнинг ўлка бошқарув тизимида тутган ўрни, судлов тизими борасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, дунё мамлакатлари тадқиқотларида XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасида бошқарувнинг янги йўналиши сифатида жорий қилинган нотариал идораларнинг ўлка бошқарув тизимида тутган ўрнини ва бугунги кундаги концептуал асосларини илмий тадқиқ қилиш объектив заруриятга айланмоқда.

Мамлакатимизда миллатимиз тарихи ва бой меросини қайта тиклаш, тарихнинг барча даврларига хос бўлган манбаларни изчил ўрганиш, таҳлил қилиш ва тарғиб этиш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, давлат ривожидида бошқарув тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган нотариал идоралар тарихини, хусусан, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошида Туркистоннинг тарихий, сиёсий ҳамда ижтимоий тамойилларини қамраб олган даврдаги хусусиятларини, анъанавий судлов тизими ва мустабид характердаги нотариал идоралар фаолиятининг жорий этилиши тарихини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги сўзлаган нуткидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги 343-сон “Нотариат тўғрисида”ги қонуни ва 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сон “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялари тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX аср иккинчи ярмида судлов тизимида юз берган ўзгаришлар, хусусан, нотариал идоралар фаолиятининг йўлга қўйилиши, тарих фанида алоҳида илмий изланишни талаб қиладиган мавзулардан саналади. Ушбу мавзу доирасида олиб борилган илмий изланишлар натижалари, мавжуд тарихий манба ва адабиётларни 3 туркумга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин:

Биринчи гуруҳга Туркистонда суд органлари ва нотариуслар фаолияти масаласи доирасида тадқиқот олиб борган муаллифлар сирасига хорижий мамлакатлар тадқиқотчиларидан А.Донелли<sup>2</sup>, Р.Д.Крюс<sup>3</sup>, Д.Броуер<sup>4</sup>, Ж.М.Трэшер<sup>5</sup>, П.Сарторилар<sup>6</sup>ни келтириш мумкин.

Иккинчи гуруҳга XIX аср охири – XX аср бошига доир МДХ тадқиқотчилари, давлат хизматчиларининг эсдалик ва асарларини киритиш мумкин. Жумладан, Г.Арендаренко<sup>7</sup>, М.Федоровский<sup>8</sup>, граф Пален<sup>9</sup>,

---

<sup>2</sup> Donnelly, Alton. -The Mobile Steppe Frontier. Russian Colonial Expansion to 1917. ed. Michael Rywkin. London: Mansell, 1988.

<sup>3</sup> Crews, Robert D. For Prophet and Tsar: Islam and Empire in Russia and Central Asia. Cambridge, Mass: Harvard University Press, 2006.

<sup>4</sup> Brower, Daniel R. Turkestan and the Fate of the Russian Empire. London; New York: Routedledge Curzon, 2003.

<sup>5</sup> Thrasher Matthew J., “How to Make a Colony: Reform and Resistance in Russian Turkestan, 1865-1917” (2010). German and Russian Studies Honors Projects. Paper 5.

<sup>6</sup> Sartori Paolo. Sharia and cultural change in Russian Central Asia. Boston: Brill, 2016. | Series: Handbook of oriental studies. Section eight, Uralic and Central Asian studies; Volume 24 | Includes. bibliographical references and index.

<sup>7</sup> Арендаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889 (о народном суде у туземцев). – СПб, 1889.; Ўша муаллиф. О народном суде среди туземцев. Зарафшанские заметки // Туркестанские ведомости, апрель-июль, 1879.

<sup>8</sup> Федоровский М. О расширении сферы русского суда над туземными в крае. Юридические заметки // Туркестанские ведомости, 4 мая, 1886.

<sup>9</sup> Пален К.К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края. – С-Петербург, 1910.; Ўша муаллиф. Отчет по ревизии Туркестанского края. Народные суды Туркестанского края. СПб: Изд-во «Санкт-Петербург», 1910.

Н.И.Крафт<sup>10</sup>, Н.Остроумов<sup>11</sup>, Н.Фиолетов<sup>12</sup> ва Н.Ликошин<sup>13</sup> кабиларнинг шу даврда чоп этган тарихий асарлари ва мақолаларида Россия империясининг Туркистонда амалга оширган суд тизимидаги сиёсати ижобий баҳоланиб, қозилик, халқ судларининг моҳияти ва мустамлака маъмурияти томонидан анъанавий суд тизимига киритилган ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар берилган, нотариал идоралар фаолияти “Нотариал идоралар фаолияти ҳақида”ги Низом асосида бир ёқлама ёритиб берилган<sup>14</sup>. Шунингдек, замонавий тарихшуносликда А.Салиев<sup>15</sup>, Д.А.Глазунов<sup>16</sup>, Л.С.Нестеренко<sup>17</sup>, К.Л.Васин сингари МДХ давлатлари тарихчилари ушбу масала борасида ўз қарашларини баён қилганлар.

Учинчи гуруҳга мансуб ватандош муаллифлар асарларида Марказий Осиё минтақасининг Россия империяси томонидан босиб олинишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатлари қаторида ўлканинг судлов тизими борасидаги маълумотларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Жумладан, Ф.Бакиров<sup>18</sup>, Ф.Исхаков<sup>19</sup>, Н.Абдурахимова<sup>20</sup>, Ш.Ғоффоров<sup>21</sup>, Т.Султонова<sup>22</sup>, Б.Эргашев<sup>23</sup> ва бошқа муаллифлар томонидан Туркистонда суд идоралари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва 1917 йилга қадар босқичма-босқич ислоҳ қилиниши тарихи тадқиқ этилган.

Афсуски, юқорида келтирилган тадқиқотларда XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистон ўлкаси бошқарув тизимида нотариал идораларнинг тутган ўрнини ёритишда фрагментар тарзда ёндашилган бўлиб, айнан тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу ҳолат эса мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқот ишининг диссертация бажарилган олий таълим илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига

---

<sup>10</sup> Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1896.; Шу муаллиф. Судебная часть в Туркестанском крае и Степных областях. – Оренбург: Типография Н.Н.Жаринова, 1898.

<sup>11</sup> Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. (Общий очерк). Изд. 3-е допол. – Ташкент, 1908.

<sup>12</sup> Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право. – М., 1927.

<sup>13</sup> Лыкошин Н. Казии (народные судьи). Бытовой очерк оседлого населения Туркестана / Русский Туркестан. Сборник, т. 1. Приложение к газете “Русский Туркестан”. – Ташкент: Типография “Русский Туркестан”, 1899.; Шу муаллиф. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград, 1916. Стр. 415.

<sup>14</sup> Мавзунинг тарихшунослиги ва манбашунослиги диссертацияда алоҳида параграф сифатида кенг таҳлил этилган.

<sup>15</sup> Салиев А. Попытки инкорпорации традиционных судов Туркестана в систему судопроизводства Российской империи // Право и управление. XXI век. 2015. № 2 (35).

<sup>16</sup> Глазунов Д.А. Подготовка судебной реформы 1898 г. в Степном генерал-губернаторстве // Социально-экономические и этнокультурные процессы в Верхнем Прииртышье в XVII–XX веках. Новосибирск: Параллель, 2011.

<sup>17</sup> Нестеренко Л.С. Распространение судебной реформы 1864 г. в Туркестанском крае // Социально-гуманитарные и юридические науки: современные тренды в изменяющемся мире. Краснодар: Премьер, 2012.

<sup>18</sup> Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шарият ва одат. – Т.: Фан, 1967.

<sup>19</sup> Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). – Т.: Фан, 1997.

<sup>20</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Тошкент “Академия” нашриёти. 2002.

<sup>21</sup> Ғоффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. - Тошкент. 2006.

<sup>22</sup> Султонова Т. Шарият қоидалари ва нотариал ҳаракатлар // *Huquq va burch*”, 2009 йил 2-сон.

<sup>23</sup> Эргашев Б. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства. – Т.: Фан, 2015.

мувофиқ АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи; муносабатлар ва қарашлар (2016-2020 йй.)” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Туркистон ўлкасида амалга оширилган суд ислохотлари давомида ташкил этилган нотариал идоралар фаолияти тарихини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаммонинг ўрганилишига доир мавжуд адабиётлар ва манбаларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва улардаги асосий ёндашувларни аниқлаш;

Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги бошқарув тизими, хусусан, ҳарбий-маъмурий бошқарувдан фуқаролик бошқарувига ўтиш йўлидаги сайи-ҳаракатлари ва унинг натижаларини кўрсатиб бериш;

Россия империяси суд-нотариал тизимининг Туркистон ўлкасини бошқаришдаги институционал хусусиятларини 1864 йилдаги суд ислохоти мисолида таҳлил қилиш;

Туркистонда анъанавий судлар ва уларнинг нотариал фаолиятини кўрсатиб бериш ҳамда нотариал идоралар фаолиятини такомиллаштириш босқичлари борасида хулосалар чиқариш;

Туркистонда нотариал ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёни борасида тарихий маълумотларни келтириб ўтиш ва ҳозирги нотариуслар институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистон ўлкасида ташкил этилган нотариал идоралар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Туркистон ўлкасида амалга оширилган судлов тизимидаги ислохотлар, нотариал идораларнинг ташкил этилиши ва унинг тарихий фаолиятини илмий асослаш билан белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида илмий билишнинг анализ ва синтез, қиёсий ва тизимли таҳлил, даврийлаштириш, таққослаш, тушунтириш, диахрон-синхрон каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Россия империясининг туб ерли аҳоли билан муносабатларни тартибга солишда маҳаллий маъмурлар орқали бошқарув тартиботини жорий этишга қаратилган ҳаракатлари, ижтимоий тафовутларни таҳрирлаш билан боғлиқ суд-нотариал тизимдаги ислохотлари, энг аввало, мустамлака маъмурияти ҳукмронлигини мустаҳкамлашни кўзлаб амалга оширилганлиги исботланган;

маҳаллий аҳолининг мол-мулк, ибро (ўз ҳаққидан кечиш), савдо-сотик, қарз, вояга етмаган етим болалар мол-мулкани назорат қилиш ва фуқаролик муносабатлари билан боғлиқ нотариал масалалари асрий анъаналарга хос қозихоналарда кўрилганлиги сабабли Туркистон ўлкасида тажриба сифатида йўлга қўйилган нотариал идоралар фаолиятида ўзини оқламаганлиги очиб берилган;

нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш Россия империяси қонунчилик нормаларига асосан ўлкада нотариал идораларнинг бошқарув хусусият касб этишига, жумладан бош ва кичик нотариуслар, нотариал архив

ва бошқа тузилмалар ташкил этилиши билан ҳамоҳангликда амалга оширилгани далилланган;

Туркистонда нотариус институти фуқаролик муносабатларини тартибга солишда мол-мулкни тасарруф этиш, васийликни белгилаш, нотариал ишлар билан боғлиқ ҳужжатлар ҳаққонийлигини тасдиқлаш, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш вазифаларини бажарганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Туркистон ўлкаси ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, халқ судлари, анъанавий қозилик судларининг нотариал вазифалари, шунингдек, нотариал идораларнинг роли ва аҳамияти борасида тарихий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган назарий-методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари нотариал фаолият тизимидаги ташкилот ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиши асосланган;

Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги бошқарув сиёсатида дахлдор кенг кўламли архив материаллари таҳлил қилинган ва тадқиқ этилаётган соҳага доир бир қатор маълумотлар амалий жиҳатдан муомалага киритилган;

ҳозирги замон нотариал идораларининг амалий фаолиятини такомиллаштириш юзасидан методологик таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар материаллари, ОАК рўйхатидаги нашрлар, хорижий илмий журналларда эълон қилинган мақолалар ва олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Туркистон ўлкасида нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш шарт-шароитлари, унинг натижалари, мазкур ҳуқуқ идораларининг ўлка ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ролининг тадқиқ қилиш орқали XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси судлов тизими тарихини ёритиб берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертация натижаларидан мустамлакачилик даври тарихини ўрганишда, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни тадқиқ этишга бағишланган давлат дастурларини бажаришда, тарихий билимларни ривожлантиришда ҳамда мавзуга оид олиб бориладиган фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистон ўлкаси бошқарув тизимида нотариал идораларнинг тутган ўрни бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Туркистонда нотариус институти фуқаролик муносабатларини тартибга солишда мол-мулкни тасарруф этиш, васийликни белгилаш, нотариал ишлар

билан боғлиқ хужжатлар ҳаққонийлигини тасдиқлаш, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш вазифаларини бажарганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташаббуси билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 27 октябрдаги 02/439-сон маълумотномаси). Натижа аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни ошириш, хусусан, ёш авлодга тарихни реал очиб бериш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилган;

XIX аср охири-XX аср бошида Россия империясининг судлов тизимидаги ислоҳотлари, энг аввало, мустамлака маъмурияти ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, бу ердаги европалик аҳоли манфаатларига хизмат қилишини кўзлаб амалга оширилганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали томонидан эфирга узатилган “Такдимот” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг 2022 йил 7 майдаги 4045-287-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар аҳолига ва ёшлар қатламига суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, хусусан нотариал идоралар фаолиятини ташкил этилиши, унинг жамиятдаги роли ва ривожланиш босқичлари моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

суд ислоҳотлари давомида ўлкада нотариал идоралар фаолияти тажриба сифатида йўлга қўйилгани, бироқ маҳаллий аҳолининг асрий анъаналари ҳукмрон бўлгани ортидан бу институт Туркистонда ўзини оқламаганига оид таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йилда эфирга узатилган “Шарқ гавҳари” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 октябрдаги 01/11-522-сон маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчиликга нотариал идоралар фаолиятини ташкил этиш ва тизимли йўлга қўйиш бўйича маълумотларни етказишга хизмат қилган;

нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш Россия империяси қонунчилик нормаларига асосан ўлкада нотариал идораларнинг институционал хусусият касб этишига, жумладан бош ва кичик нотариуслар, нотариал архив ва бошқа тузилмалар ташкил этилиши билан ҳамоҳангликда амалга оширилганлигига оид таклиф ва тавсиялардан “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Таълим ва тараққиёт”, “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканали давлат муассасасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 04-25-1796-сон маълумотномаси). Натижа аҳолининг кенг қатламига, шунингдек, ёш авлодга тарих ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга қўшимча маълумот манбаи бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та, жумладан Республика миқёсидаги 2 та ва 1 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 9 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туркистон ўлкасини бошқаришда нотариал фаолият тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, ўрганишнинг тарихий босқичлари”** деб номланган биринчи боби икки параграфдан ташкил топган бўлиб, унда Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан истило этилиши, дастлаб ҳарбийлашган бошқарув тизимининг жорий этилиши, империя ҳукуматининг бошқарув тузилмаларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ тадбирлари, жумладан, 1864 йилги суд ислоҳоти ва унинг натижалари борасидаги фикрлар жамланган. Мавзу доирасидаги манбалар ҳамда тарихий, илмий, публицистик ва бошқа адабиётлар таҳлили тадқиқотни янада чуқурроқ англашга ёрдам беришини инobatга олган ҳолда биринчи параграфда мавжуд тарихий манба ва адабиётлар 3 гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган. Мавжуд манбаларни манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш, бу асарларнинг ёзиш услубини аниқлаш, қиёсий таҳлил қилиш давр ва жараёнлар тўғрисида объектив хулосаларни олиш имконини бериши, Россия империяси истилоси даври А.И.Добросмыслов, А.Давлетшин, Н.И.Гродеков, А.Ломакин, П.Е.Маковецкий, М.Д.Яковлев сингари муаллифлар асарларида халқ судлари, овул оқсоқоллари ва волость бошқарувчилари фаолияти тарихига дахлдор маълумотлар, ҳисоботлар ўрин олганлиги таъкидланган. Тадқиқот объекти сифатида танланган нотариал идоралар фаолиятига дахлдор 1467 йилги Псков суд ёрлиғи, 1497 йилга оид Иван III “Судебниги” 1866 йилги “Нотариал қисмлар ҳақидаги Низом”, Россия империяси Сенати қарорлари, Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Муваққат Низомлар, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ва бошқа ташкилий тузилмаларга тегишли қарор ва фармойишларнинг нотариуслар ҳуқуқий асосини шакллантириб беришдаги аҳамияти, шунингдек, А.М.Фемелиди, М.Попович,

Д.Н.Замятнин, В.Н.Панин ва бошқа муаллифларнинг хулосаларидан фойдаланилган ҳолда нотариал идоралар фаолиятининг юзага келиши тарихшунослиги ва манбашунослиги изчил таҳлил этилган<sup>24</sup>. Шунингдек, 1864 йилги суд ислоҳоти, 1866 йилги Низом ва нотариал идоралар фаолияти вақтли матбуот нашрлари, шу даврда Россия империясида мунтазам нашр этиб турилган “Нотариальный вестник”, “Журнал министерства Юстиции”, “Судебная газета”, “Юридическая газета”, “Юридическое обозрение” ва бошқа журнал ва газеталар асосий манбалар қаторидан ўрин олган. Туркистонда янгилик сифатида жорий қилинган нотариал идоралар тарихи рус конунчилиги доирасида амалга оширилгани, манбаларнинг кам сонли эканлиги, асосан архив манбаларида нотариуслар ваколатлари акс этган айрим ҳужжатларнинг мавжудлиги тадқиқотни ёритишда манбавий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаган.

Иккинчи гуруҳга Совет даврида яратилган асарлар киритилган. Ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, П.Галузо, В.Лаврентьев, С.Асфандиёров, В.Лебедев ва бошқа муаллифлар тадқиқотларида Туркистоннинг Россияга қарам ҳудуд эканлиги ва бунда империянинг босқинчилик сиёсатига эътибор қаратилганлиги аниқланган<sup>25</sup>. Бу даврда Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги мустабид сиёсати Б.В.Лунин, Г.А.Хидоятлов, Н.А.Халфин, Д.Ю.Арапов, Г.Л.Левтеева, В.Н.Алексеев, Г.А.Ахмеджанов ва бошқа муаллифлар томонидан турли ғоявий – мафкуравий фикрларга ёндашган ҳолда ёритилган<sup>26</sup>. Бироқ, яратилган асарларнинг аксарият кўпчилигида ушбу минтақа ва халқларни бир-бири билан тарихан боғлаш, Россия империясининг Туркистонни истило этишининг прогрессив жараён эканлиги ҳақидаги фикрлар тарихнависликда етакчи бўлганлиги хулосаланган.

Учинчи гуруҳга киритилган А.Донелли<sup>27</sup>, Р.Д.Крюс<sup>28</sup>, Д.Броуер<sup>29</sup>, П.Сартори<sup>30</sup> ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган адабиётларда

---

<sup>24</sup> Фемелиди А.М. Русский нотариат. История нотариата и действующее нотариальное положение 14 апреля 1866 г. СПб. Издание Я.А. Канторовича, 1902. Стр. 264; Попович М. Служебные права и материальная обеспеченность нотариусов в России // Нотариальный вестник. 1903. № 4. (1903). Москва: Т-во скоропеч. А.А. Левенсон, 1903. С.16; Замятнин Д.Н. Краткий очерк деятельности новых судебных установлений. Всеподаннейший доклад 25.12.1866 г. СПб., 1866; Панин В.Н. Министерство юстиции. Министерство юстиции за сто лет 1802-1902: Ист. очерк. - СПб.: Сенат. тип., 1902. Стр. 340. ва б.

<sup>25</sup> Галузо П.Г. Туркестан-колония. Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 г.) М., 1929; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). М., 1930; Асфендияров С. Д. История Казахстана (с древнейших времен) Т 1. Алма-Ата, 1935, Лебедев В. Из истории сношений казахов с царской Россией в XVIII в // Красный архив, 1936, Т. 5.

<sup>26</sup> Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90 гг XIX в.). М., 1965; Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент, 1965; Хидоятлов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70 гг.). Ташкент, 1969; Арапов Д. Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. М., Изд-во МГУ, 1981; Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках. Ташкент, 1986; Алексеев В.Н. Освещение вопроса вхождения Средней Азии и Казахстана в состав России на страницах журнала «Русский вестник» // Вопросы истории Казахстана в русской дворянско-буржуазной и современной историографии советологов. Алма-Ата, 1985; Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. Ташкент, 1989.

<sup>27</sup> Donnelly, Alton. -The Mobile Steppe Frontier. In Russian Colonial Expansion to 1917. ed. Michael Rywkin. London: Mansell, 1988.

<sup>28</sup> Crews, Robert D. For Prophet and Tsar: Islam and Empire in Russia and Central Asia. Cambridge, Mass: Harvard University Press, 2006.

фикрлар хилма-хиллиги таъкидланади. А.Донелли ва Д.Броуерлар Россия империясининг Туркистон ўлкасини эгаллаб олиш тарихини тадқиқ қилган бўлишса, Р.Крюс Россия империяси таркибидаги Туркистон ўлкасида диний масалалар, жумладан, шариат ва одат нормалари ҳақида маълумот беради. Ўлка ҳаётига доир кўплаб изланишларини эълон қилган П.Сартори асарларида нотариал тартиботга доир маълумотларни ҳам кўриш мумкин.

**“Нотариал идоралар фаолияти тарихи ва такомиллаштириш босқичлари”** деб номланган биринчи бобнинг иккинчи параграфида тадқиқотнинг асосий мазмун моҳиятини кўрсатиб бериш кўзда тутилган “нотариус”, “нотариал идоралар”, “табеллион”, “скриблар”, “эксцепторлар” ва бошқа атамаларга таъриф берилган. Бу атамалар нотариуслар институти тузилмасининг ривожланиш босқичларини тушуниш имконини беради. Хусусан, қадимги Римда вужудга келган нотариуслар институти ўз тараққиёти давомида мунтазам ривожланиб келган бўлсада, моҳиятан ўзининг Рим қонунчилиги анъаналарини сақлаб қолган.

Мавжуд манбаларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, VIII асрда нотариуслар муассасаси черков томонидан алоҳида давлат ташкилотига айлантирилади, “notarii” номини олган девонхона ва унинг ходимлари фаолияти шакллантирилади. Черков томонидан шакллантирилган ушбу муассаса секин - асталик билан дунёвий хусусият касб этиб, эндиликда нотариуслар фуқароларнинг ҳужжатларини ва муносабатларини юритиш билан шуғулланганлар.

Шундан кейинги даврларда мукаммаллашиб борган нотариуслар институти XII аср охирига келиб “Табеллион” атамасини ҳам ўз таркибига сингдириб юборди. Айни вақтда Европа шаҳарларида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда нотариус лавозимига тайинланадиган шахс учун қўйидаги ваколатли вазифалар тегишли бўлган:

- Суд жараёнида жавобгар ва даъвогарнинг судга келганлиги бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш;
- Даъвогар ва жавобгарнинг кўрсатмаларини расмийлаштириш;
- Гувоҳларнинг кўрсатмаларини расмийлаштириш;
- Ишончномани расмийлаштириш;
- Меросга эгалик ҳуқуқи бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар.

Бундан ташқари нотариуслар ваколатига суд қарорини тузиш ва ундан нусха кўчириб бериш каби вазифалар ҳам кирган<sup>31</sup>.

Нотариус олдига қўйилган мажбуриятларни бажаришга масъуллиги, шунингдек, кейинчалик ўз фаолияти давомида нотўғри ҳаракатларга йўл қўйилишини олдини олиниши учун нотариусдан лавозимни эгаллашдан

<sup>29</sup> Brower, Daniel R. *Turkestan and the Fate of the Russian Empire*. London; New York: Routledge Curzon, 2003.

<sup>30</sup> Sartori Paolo. *Sharia and cultural change in Russian Central Asia*. Boston: Brill, 2016. | Series: Handbook of oriental studies. Section eight, Uralic and Central Asian studies; Volume 24 | Includes bibliographical references and index.

<sup>31</sup> Правовые основы нотариальной деятельности в Российской Федерации. Под ред. Е.А.Борисовой. Москва. ЮСТИЦИНФОРМ, 2016. С.52.

аввал маълум миқдордаги бўнак пули тўлаши талаб қилинган<sup>32</sup>. Шунингдек, тадқиқотда нотариуслар статуси, лавозим вазифалари, ҳужжатлар юритиш тартиби ва бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди.

1864 йилнинг 20 ноябрида Россия империяси ҳудудларида Суд Низоми, 1866 йилнинг 14 апрелида эса Нотариал қисмлар ҳақидаги Низом қабул қилинди<sup>33</sup>. Бу Низом Россия империясида 1917 йилга қадар амалда бўлиб турди. Бу вақт оралиғида император ҳукумати нотариал фаолиятни оптималлаштириш ва қайта ислоҳ қилишга уринган бўлсада, улар бирор-бир ижобий натижа билан тугамади. Масалан, 1899 йилнинг 19 майидаги фармонга мувофиқ нотариал идоралар ҳақидаги Низомни қайта кўриб чиқиш белгиланган ва шунга кўра, Низомнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Бу лойиҳа 1902 йилнинг 11 майидан 1904 йилнинг 14 майига қадар айни шу мақсад йўлида ташкил этилган махсус комиссия томонидан мунтазам кўриб борилди. Тадқиқотда аниқланишича, рус амалдорлари халқ судлари ваколатига кирган нотариал ҳаракатларни бажариш ваколатларини тўлиғича улардан олиб рус нотариусларига берилишини таклиф қилган. Шундай қилинса, олди-сотди ва кўчмас мулк билан боғлиқ шартномалардан ҳукумат ғазнасига тушадиган тушум сезиларли ортади, маҳаллий аҳоли эса халқ судларидан кўра нотариусга мурожаат қилишдан ҳеч нарса йўқотмайдилар<sup>34</sup>, деган тушунча шаклланди, бироқ бу тадбир ҳам ўзини оқламади.

Россия империясининг XIX аср 60-80 йилларидаги ҳарбий юришлари натижасида Туркистон ўлкаси аввал бошдан “чет ўлка” йўналишида, Россияга боғлиқ ҳолда юзага келган ва ривожланган янги ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига киритилди. Зўрлик йўли билан жорий қилинган бу муносабатлар минтақада анъанавий қарор топган муносабатларни ва уларнинг миллий асосда ривожланиш имкониятларини кўпориб ташлади. Метрополиянинг бу тахлит давлат ишларини юритиши ҳудуднинг ривожланишига бирор-бир ижобий таъсир кўрсатмади, билъакс келгусида хўжаликни бошқаришда нўноқ бўлган совет маъмуриятининг бу сиёсатни давом эттириши минтақани иқтисодий инқироз ёқасига келтириб қўйди, асрлар давомида мавжуд бўлган хўжалик юритиш анъаналарини поймол қилди<sup>35</sup>.

Тадқиқот объекти бўлган нотариал идоралар фаолияти кўп асрлик тарихга эга эканлиги, рус жамияти томонидан қабул қилинган нотариуслар институти олмон-француз тараққиёт моделига асосланганлиги аниқланди. Нотариуслар институтининг жорий этилиши жамиятни мулкчилик ва бошқарув муносабатларида янги поғоналарга олиб чиқиши белгиланди, бироқ феодал тартиблари сақланиб қолган, модернизация йўлига ўтишга

<sup>32</sup> Бегичев А.В., Фролова Е.Е. Историческое формирование нотариата латинского типа с середины XIX века и по настоящее время. Проблемы современной науки и образования, - 2017.-№ 12(94).

<sup>33</sup> Великая реформа: к 150-летию Судебных Уставов: В 2 т. Т.1. Устав гражданского судопроизводства / Под ред. Е.А. Борисовой. М., 2014.

<sup>34</sup> Лыкошин Н.С. Пол жизни в Туркестане..., С. 95.

<sup>35</sup> Мамадалиев И.А. Экономический кризис как фактор социальной дестабилизации: Туркестан в конце XIX – начале XX века // Таджикский государственный университет права, бизнеса и политики, 2013, 2 (54), С. 28.

ҳали тайёр бўлмаган рус жамиятига бу янгиликларни қабул қилиш учун бир неча ўн йил керак бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Нотариал идоралар фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг ўлка бошқарувидаги тутган ўрни”** деб номланади. Тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар бу бобни ҳам иккита параграфда таҳлил қилишни назарда тутди. Хусусан, **“Россия империяси нотариал тизимининг Туркистон ўлкасини бошқаришдаги тутган ўрни: 1864 йилдаги суд ислоҳоти ва унинг натижалари”** деб номланган биринчи параграфда ҳудуд яхлитлиги ва бирлигини сақлаб қолишга уриниш сифатида ишлаб чиқилган ва Марказий Осиё минтақасига ҳам жорий этилган нотариал ислоҳотлари тарихи тадқиқ қилинди. Ушбу масалани таҳлил қилишда фақат ислоҳотлар эмас, балки, Туркистон ҳудудларида амал қилган анъанавий судлар фаолияти ҳам кўриб чиқилди, шунингдек, турли даврларда ишлаб чиқилган Низом лойиҳаларига киритилган суд тизимига дахлдор бандлар таққослаб чиқилди. Жумладан, 1867 йилда Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси устида иш олиб бориш жараёнида туб ерли аҳолини рус судлов тизимига буйсундиришнинг имкони йўқлигини тушуниб етган ҳукумат амалдорлари халқ судларини тубдан қайта ўзгартиришга журъат қилмадилар, балки, бу ишни босқичма-босқич амалга оширишни лозим деб топдилар. 1873 йилда Тошкентда Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги янги қонунни ишлаб чиқишга йўналтирилган лойиҳада кўчманчи аҳоли учун амал қилувчи халқ судларини аввалги ҳолида ўзгаришсиз қолдириш, фақат оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солишга доир айрим бийлар қарорларининг уезд бошлиғи томонидан эмас, балки, умумрус суд тизими асосида кўриб чиқилиши белгилангани кўрсатилди. Навбатдаги, 1881 йилдан киришилган Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш ҳақидаги низом лойиҳаси нотариусларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан юридик кучини бирмунча кенгайтиришни назарда тутарди. Бу каби лойиҳалар, қабул қилинган Низомлардан ташқари рус маъмурлари суд ислоҳоти натижасида шаклланган халқ судларининг асосий “қусур”и - рус тилини билмаслик ҳолатига барҳам бериш каби тадбирларни ҳам қўллаб кўрганлигини таъкидлаш ўринлидир. Буни Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори, генерал-адъютант К.П. фон Кауфман куйидагича таърифлаган эди: “Жамият ва давлат ҳаёти эҳтиёжлари эндиликда мадраса таълимини жуда кам талаб қилмоқда... Сайлаб қўйиладиган идоралар ҳам, шунингдек, рус маъмурларини тайинлаш ҳам мазкур муассасалардан чиққан номзодларга муҳтож эмас. Фақат шариат суди... ҳозирча ҳеч қандай рус муассасалари билан алмаштирилмаган, у муфтилар, аъламлар ва қозилар учун мактаб бўлган мадрасаларнинг аҳамиятини қўллаб-қувватлаб турибди. Лекин, бу ҳам энг сўнгги имтиёз - маҳаллий қонуншуносларнинг маълумот олиши, ер тузилиши ислоҳотининг амалга оширилиши билан ўз умрини ўтаб бўлади; шариат ва унинг вакиллари, улар билан биргаликда эса маҳаллий мактаб ҳам ҳозирги вақтда

янги тартибга душман кучларни тайёрлашдан иборат кучли мавқеидан узил-кесил маҳрум бўлади”<sup>36</sup>.

Диссертациянинг “**Туркистонда анъанавий судлар ва уларнинг нотариал фаолияти**” деб номланган иккинчи боби иккинчи параграфиди анъанавий-қозилик судларининг нотариал ваколатлари борасидаги масалалар таҳлил қилинди.

Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб турарди. Рус ҳукумати томонидан Туркистон ҳудудлари учун Тошкент босиб олинган 1865 йилдан 1916 йилга қадар бир нечта қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ қилинди<sup>37</sup>. Ушбу қонун ҳужжатлари жамиятни бошқаришнинг барча жабҳалари: молия, адлия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштиришни кўзда тутарди ва қонун асосида белгиланган ишлар босқичма-босқич амалга ошириб борилди. Шу мазмундаги ишлар нотариал органлари фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлди.

Олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар давомида янги ҳудудларда рус бошқарув маъмуриятини жадаллик билан шакллантиришда, нотариал тизимини жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунинг сабаби, асрлар давомида Туркистон ўлкасида истиқомат қилиб келган халқлар шариат ва одат қоидаларига амал қилган ҳолда ўз судлов тизимига эга бўлганлар. Рус мустамлакасига қадар асосий вазифаси судлов ишларини амалга ошириш бўлган қозилар катта ҳаётий тажрибага эга, шариат қонун-қоидаларини, Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини мукаммал даражада ўзлаштирган шахслар саналган. Чор Россияси истилосидан сўнг ўтказилган ислоҳотларга кўра, қозилар ҳамда кўчманчи аҳоли учун белгиланган бийлар судлари фаолияти бир неча босқичларда ислоҳ қилинди.

Агар маъмурий суд тартиботи билан боғлиқ ишларни турли даража ва мансабдаги амалдорлар бажарган бўлишса, нотариал вазифалар қозикалон, жойларда қозилар, раис ва унинг ноиблари томонидан амалга оширилган. Шунинг учун қозихоналарда кўриб чиқиладиган ишлар орасида нотариал тартиботга доир ишлар кўпчиликни ташкил қилган. Масалан, Бухоро амирлигидаги қозихона ёки раисхонада тўлдириладиган барча ҳужжатлар – васиқа деб номланган. Шу билан бирга ушбу сўзга зарур бўладиган бошқа атамани ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган. Кўчмас мулкни сотиб олиш билан боғлиқ ҳолатни мукаммал акс эттириш учун бир қанча ҳужжат турлари маълум бўлган. Масалан, “васиқаи байи қатъий” номли ҳужжат ҳаракатга келтирилса, бу кўчмас мулк тўла-тўқис сотилганлигини билдирган. Қози ва қозикалоннинг юқоридаги ҳолатлар акс этган нотариал мажбуриятлари Хива хонлиги ҳудудида ҳам амал қилган. 1873 йилда имзоланган шартномага кўра, Хива хонлиги ҳудудида рус фуқароларининг жиноий ишлари, уларнинг ўзаро низолари, маҳаллий аҳолининг уларга бўлган даъволари рус судларига

<sup>36</sup> Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае. 1881. СПб., 1910. С.15.

<sup>37</sup> Бу қонун лойиҳалари 1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йилларда эълон қилинган эди. Бу ҳақда батафсил қаранг: Свод законов Российской империи. Разные издания.

таълуқлилиги мустаҳкамланган. Шунингдек, тадқиқот давомида ўрганилган Тошкент шаҳар қозиси фаолиятига дахлдор ҳужжатларни рўйхатга олиш китобига қози томонидан амалга оширилган барча нотариал фаолият билан боғлиқ ишлар, яъни олди-сотди шартномасини тасдиқлаш, қарз бериш ва олиш билан боғлиқ тилхат, гаров эвазига кўчмас мулкни бериш ва бошқа шу каби ҳолатлар тавсифи қайд этилганлиги аниқланди<sup>38</sup>. Жумладан, 1899-1900 йилларда Тошкентнинг Кўкча даҳаси қозиси Мулла Одил Исҳоқбой ўғли томонидан тузилган вояга етмаган етим болалар бўйича рўйхатга олиш китобига 202 та ҳолат қайд этилган бўлса, унинг 104 таси 1899 йилга, 98 таси эса 1900 йилга тегишли бўлган<sup>39</sup>. Қози томонидан вояга етмаган етим болалар рўйхатга олиш китоби, етим болалар мол-мулкани назорат қилиш масалалари бўйича империя ҳукумати олдида ҳисобот бериш мақсадида тузилган. Ушбу китоб бошқа нотариал ҳолатлар бўйича китоблардан етимларга тегишли мол-мулкларни бошқариш ва ҳомийликка олиш ҳақидаги маълумотларнинг алоҳида банд сифатида киритилганлиги билан фарқланади. Рўйхатга олиш китобини шакллантиришда қози томонидан етим болаларнинг турар-жой манзили, маҳалласи номи, исми-шарифи, ёши, жинси, отасининг ва васийнинг исми - шарифи келтирилган. Бундан ташқари, етимга тегишли бўлган мероснинг номланиши (пул, кўчмас мулк, буюмлар ва бошқалар) ҳамда бу меросни меросхўрлар орасида тақсимланиши ҳолати тўлиқ акс эттирилган. Шуниси аҳамиятлики, кўчмас мулк борасида қози томонидан унинг географик ва метрологик маълумотлари батафсил кўрсатиб берилган<sup>40</sup>.

Шу ва бошқа ҳолатларни тадқиқ қилиш асносида аниқланадики, судлар тузилмасидаги ислохотлар узоқ муддат давом этиш баробарида дастлабки вақтларда маҳаллий аҳолининг рус нотариал идораларига мурожаат қилиши борасидаги тахминлари ҳам йўққа чиқарилди, яъни, маҳаллий аҳоли аввалгидек шариат қоидалари асосида ўз муаммоларини ҳал қилишни маъқул кўрганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Туркистонда нотариал идоралар фаолиятининг ўлка бошқарувидаги роли ва аҳамияти”** деб номланади. **“Нотариуслар фаолиятининг ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи параграфда нотариал қисмлар ҳақидаги Низом шартларидан келиб чиқиб давлат органлари тизимида нотариал идоралар ўрнини аниқлаш, нотариусларнинг давлат хизматчилари сифатидаги мақомини белгилаш, давлат томонидан нотариал идоралар ходимларига маош тўлаш масаласини ҳал қилишга уриниш билан белгиланади.

1863 йилнинг 14 июлида тақдим қилинган Низомнинг дастлабки лойиҳасида нотариусларнинг давлат хизматчилари сифатидаги мақоми аниқ қилиб кўрсатилган бўлсада, уларнинг амалдор бўлишлари ва нафақа олишларига рухсат берилмаслик назарда тутилган. Давлат томонидан уларга

<sup>38</sup> ЎзРМДА фонд И-363, рўйхат – 1, 139-йиғма жилд.

